**2011 йил, 28 июль, пайшанба № 30 (336)**

# Куч — адолатда

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## *Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!*



**Она Ўзбекистонимиз, меҳнаткаш ва танти халқимиз асрларга пойдевор бўлгулик улуғ бунёдкорлик йилларини бошдан кечирмоқда. Ойлар фасллардан фарқ қилганидек, йиллар фасллардан жозибалироқ.**

**Ойбек домла: "Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор, Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар", деганларидек, қор остида ҳам кўкламни эслатиб тургувчи буғдой майсалари, эрта ёздаёқ чексиз кенгликларни тўлдириб ярқираган олтин буғдойзорларимиз. Одамларнинг ниятларидек қатор ва текис эгатлар, кузга бориб кўзни қамаштиргувчи фараҳбахш далалар, эл меҳри ва меҳнати билан парвариш топган ўзбекона тароват, ўзбекона пайкаллар. Юрт, Ватан ҳам шундай парвариш ва эъзоз топмоқда.**

# БИР ЎЛКАКИ, ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ

Куни кеча эккан ғалласидан мўл ҳосил олган фермер телевизорга чиқиб, жуда гўзал сўзларни айтди. "Элимиз, давлатимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди". Деҳқончасига, чин дилдан чиққан гап бу. Ғайрати жуссасидан балқиб турган сариосиёлик бошқа бир дали-ғули йигит, устоз адибимизга отдош Ойбек Норқулов деган фермернинг ҳам боши осмонда, хурсандчилиги бир олам. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ғаллакорларига табригида у бошчилик қилаётган "Ҳайитали Боймуҳамедов" фермер хўжалигининг номи биринчилар қаторида, алоҳида тилга олингани хўжаликнинг фидойи деҳқонлари учун юксак эътибор, катта хушхабар бўлди.

Тойлар тулпорларга, жилғалар дарёларга, сўқмоқлар йўлларга айланади. Бўталоқлар нор бўлади, норлар тизилишиб карвонларга эврилади. Йўллар йилларга, кўприклар манзилларга уланади. Сувлар билан йўллар, йўллар билан йиллар бири бирига нақадар ўхшаш ва уйқаш. Ва буларнинг барчаси диллар, кўнгилларга боғланиб кетади. Диллар эса манзилу маконларга, шаҳар ва қишлоқларга ўхшайди. Буни хассос шоиримиз Муҳаммад Юсуф шундай таърифлаган эди:

***Одам билан улғаяр макон,***
***Дунёларга достон бўлади.***
***Озод элнинг гўдаги султон,***
***Султони мард инсон бўлади.***

Биз эркин бунёдкорлик йилларимизда ўзимиз, фарзандларимиз билан бирга манзилу маконларимизнинг ҳам улғайганини, мутлақо ўзгача кўрку салобат ва камолот касб этганини кўриш шарафига муяссар бўлдик. Биз бутун халқимиз билан она юртимизни сидқидилдан ардоқлаб, эъзозлаб, озода бир Ватанга айлантирмоқдамиз. Барчамиз унинг сувидан тортиб қумининг заррасигача, гиёҳидан тортиб, бир синиқ ғишти-ю муаззам қўрғонлари қадар бирдек дахлдормиз. Шу дахлдорлик, эгалик туйғуси, гўзал шу чаманга соҳиблик ҳисси ҳам ўзимиз билан бирга шаклланди, қалбларимизнинг тўрида униб-ўсиб, вояга етди.

Тошкентдан автомобил йўли билан борилса, салкам 770 чақиримча масофани ташкил этадиган, жанубий минтақамиз Сурхондарёнинг энг шимолий қисми саналмиш Сариосиё туманидаги Ҳурватан қишлоғи билан қорақалпоқ заминининг энг жанубидаги Сарибий манзилгоҳини муқояса қилсак, бу маконларда яшаётган эл-улус — кексалару ёшлар, эркаклару аёллар — ҳаммасининг эзгу ташвишлари, орзу-ниятлари-ю интилишлари бир-бирига нақадар ўхшаш ва мутаносиб эканлиги, айни пайтда бутун мамлакатнинг бугунги яратувчанлик ҳаёти, интилиш ва мақсадлари билан муштараклиги намоён бўлади.

Минглаб чақирим шимолдаги Сарибийдан шунча масофа жанубдаги ана шу Ҳурватан қишлоғида Сайриддин деган оддийгина, хокисор йигитнинг хонадонида бундан ўн етти йил муқаддам бир ўғил дунёга келган эди. Қариндош-уруғ хурсанд бўлди, боболарининг номи-конини давом эттирсин, Оллоҳ муродини берсин деб, яхши ниятлар билан болага бувасининг отини қўйишди. Шу тариқа Холмурод Холмуродов деган болакай, "Алпомиш"да айтилганидай, соат сайин, кун сайин униб-ўса бошлади. Қўл-оёғи чаққонгина, эпчил ва зийрак йигитчага айланди. Бобоси уни яхши кўрарди, гўдаклигидан футбол ўйнайсан, деб коптоклар олиб берди. Кенг-кенгиш ҳовлида кесаклардан дарвоза қўйиб, тўп тепишни ўргатди. Футболчи бўласан, деб спорт мактабларига олиб борди. Меҳрибон, оққўнгил мураббийлар бағрини очди, тарбиялади, ўргатди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос афзаллик ва имкониятлари инобатга олинган ҳолда, ушбу фаолиятга жамият равнақи ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда бу соҳага қаратилаётган шундай юксак эътибор туфайли сўнгги беш йил ичида тадбиркорлик субъектлари сони 145 мингтага кўпайди. Бугунги кунда мамлакатимизда жами 454 мингта тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоизни ташкил этмоқда.**

*Yangi qonun mohiyati*

## Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояси

### янги қонун асосида янада кенгроқ таъминланади

Албатта, бундай юқори натижалар, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлатимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани, улар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганининг амалдаги самарасидир.

Айтиш керакки, мустақилликнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини текшириш тизими тубдан такомиллаштирилиб, текширувлар сони кескин қисқартирилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишга чек қўйиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Текширишларнинг қисқартирилиши натижасида 2010 йилда текширув ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сони 12303 тани ташкил этди ёки 2001 йилга нисбатан 6,1 бараварга камайди.

Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимизнинг **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастури асосида қабул қилинган **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Islohot va samara*

## Санкция ваколати

### у инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган

**Маълумки, Бош қомусимизнинг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» дея белгилаб қўйилган.**

Шунингдек, Асосий қонуннинг 25-моддасига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда қабул қилинган **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармон асосида прокуратура ваколатларининг бир қисми судларга ўтказилганлиги инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг муҳим омилига айланди, дейишга тўлиқ асослар бор.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддаси биринчи қисмида эҳтиёт чорасини қўллашнинг асл мақсади тўлиқ баён этилган.

**(Давоми учинчи бетда)**

**Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.**

*2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»*

## Иқтисодий тараққиёт ва фаровон ҳаёт манбаи



Халқимизнинг «Тадбиркор – элга мададкор» деган ҳикмати замирида катта маъно бор. Яъни тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ушбу соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш халқимиз фаровонлиги, иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили экани ҳаётда аллақачон ўз исботини топган.

Айниқса, жорий йилда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг рўёбга чиқиши, ҳеч шубҳасиз, халқимиз фаровонлигини янада ошириб, иқтисодий салоҳиятимиз юксалишига хизмат қилади.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар эркин фаолияти юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Huquqiy ma`rifat*

## Оила — жамият таянчи

### бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди



**Мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини деб эътироф этилган оилани қўллаб-қувватлаш, уни ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, оиланинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Бош қомусимизда ҳам қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.**

(Давоми иккинчи бетда)

**Маълумки, фуқаролик муносабатлари ҳам қонун асосида тартибга солинади. Масалан, энг муҳим ҳуқуқлардан саналган мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, бошқа ҳуқуқлар билан тенглиги қонунан кафолатланади. Бинобарин, ана шу қоидаларга риоя этган киши асло адашмайди.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Адолат мезони

Мулк ҳуқуқи қоидаларига амал қилиш ҳақида бежиз сўз бошламадик. Ҳаётда ҳаммамиз мулкий муносабатларга у ёки бу даражада дуч келамиз. Ана шундай паллаларда қонунда белгиланган меъёрлар биз учун энг муҳим дастуриламал бўлмоғи лозим. Зеро, бошқача, яъни қонунга зид йўлларни излаш ҳеч қачон хайрли тугамайди, аксинча, турли оворагарчиликка сабаб бўлади.

Масалан, узоқ йиллардан буён яқин қариндошлар ўртасида давом этиб келаётган уй-жой можаросининг асл сабаби ҳам ўз ҳуқуқини билмаслик, бошқаларнинг манфаати билан ҳисоблашмаслик, энг асосийси, қонунга риоя этмасликда эди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Huquqiy ma'rifat*

# Оила — жамият таянчи

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**



Айтиш керакки, оилага бўлган муносабат истиқлол йилларида янгича маъно ва мазмун касб этди. Жамиятда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, эр-хотин ўртасидаги турли мулкий, шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Оила кодекси қабул қилингани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда бу йўналишдаги қонунчилик изчил такомиллаштириб борилмоқда. Шу муносабат билан Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган **"Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги қарори қайта ўрганиб чиқилди ва шу йилнинг 20 июлида янги таҳрирда қабул қилинди.

Хўш, янги таҳрирда қабул қилинган ушбу қарорнинг аввалгисидан қандай фарқи бор? Ушбу Пленум қарори оила ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда қандай ўрин тутади? Шу каби саволлар билан мухбиримиз Олий суд судьяси Ҳаёт ХОЛМИРЗАЕВга мурожаат қилди.

**— Ҳаёт Бахриддинович, суҳбатимиз аввалида Олий суд Пленумининг янги таҳрирдаги қарори қабул қилинишининг ҳаётий зарурияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари Конституциямизда ўз аксини топган. Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг оиладаги турмуш шароитларини соғломлаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларни моддий, маънавий ва жисмоний қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, мамлакатимизда бевосита Президентимиз ташаббуси билан турли йилларнинг «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани, шу асосда махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилгани, **«Оилада давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги, **«Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги, **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги фармонларнинг қабул қилингани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугун жамиятимизда оилага юксак эътибор берилаётган экан, унинг ҳуқуқий асосларини ҳам узлуксиз такомиллаштириб бориш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Шу мақсадда Олий суд Пленуми томонидан Оила кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар инобатга олинган ҳолда янги таҳрирдаги **"Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги Пленум қарори қабул қилинди. Шунингдек, ушбу Пленум қарорида амалдаги Пленум қарорининг конструкциявий тузилишига эътибор қаратилди ва ўзбек ва рус тилидаги матнларнинг бир-бирига мослиги таъминланди. Чунки амалдаги Пленум қарорида баъзи қонун атамалари нотўғри қўлланилган, айрим жумлалар тушунарсиз ифодаланган, ўзбек ва рус тилидаги таржималарда қарама-қаршиликлар мавжуд эди. Янги таҳрирдаги Пленум қарорида бу камчиликлар тўлиқ бартараф этилди.

**— Шу ўринда газетхонларга тушунарли бўлиши учун янги таҳрирдаги Пленум қарорининг мазмун-моҳиятига батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз?**

— Айтиш керакки, ушбу Пленум қарорида жамиятда оиланинг ўрни беқиёслиги, мамлакатимизда унинг ҳуқуқий ҳимояси тўлиқ таъминланаётгани, оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва бунда судларнинг эътибор қаратиши керак бўлган жиҳатлар батафсил баён этилган. Чунончи, қарорнинг 1-бандида таъкидланганидек, юртимизда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилади, унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланади, никоҳ ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига катта масъулият юклатилган. Пленум қарорининг 2-бандида никоҳнинг тугатилиш асослари, 3-5-бандларда эса қайси ҳолларда никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига, қайси ҳолларда судларга тааллуқлилиги белгилаб берилди.

Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Пленум қарорининг 6-бандида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда судлар эътиборга олиши лозим бўлган ҳолатларга эътибор қаратилди. Чунончи, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмаслиги, хотин никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилик бермаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиши, агар у қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатиши, иш хотиннинг розилиги билан қўзғатилган бўлса-да, ишни кўриш вақтида, хотин никоҳдан ажратишга қаршилик билдирган бўлса, хотиннинг ҳомиладорлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам тугатилиши лозимлиги қарорда қайд этилди.

Қарорнинг 7-9-бандларида эса никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволарнинг судловга тааллуқлилиги, бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маълумот бўлмаган шахсга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилинганда судьянинг ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ўртасидаги, чет эл фуқароларининг ўзаро никоҳларини ажратиш, шунингдек, мазкур шахсларнинг оилавий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар Оила кодексининг 9-моддаси ҳамда VIII бўлимида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши ҳақида тушунтириш берилди.

**— Маълумки, шу пайтгача фуқаролик процессуал қонунчиликда никоҳдан ажратишнинг судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаган эди. Бу эса, ўз навбатида, айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқарарди. Янги таҳрирдаги қарорда ушбу масалага ҳам эътибор қаратилдими?**

— Албатта. Янги таҳрирда қабул қилинган қарорнинг 10-бандида амалиётда айрим ҳолларда ушбу тоифадаги даъво аризаларини қабул қилишда судлар томонидан қонунда назарда тутилмаган маълумотномалар талаб қилинаётгани ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, фуқаролик процессуал қонунида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли, суд даъвогардан қонунда белгиланмаган ҳужжатларни, жумладан, мазкур низо фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилишга ҳақли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Оилани сақлаб қолиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қарорнинг 15-бандида ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда, суд Оила кодексининг 40-моддаси 2-қисми талабларидан келиб чиқиб, оилани сақлаб қолиш чораларини кўриши, эр-хотинга ярашиши учун олти ойгача муддат белгилашда ярашиш учун белгиланадиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

**— Ҳаёт Бахриддинович, маълумки, оилавий ажрашишларда низолар кўпинча эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлишда келиб чиқади. Янги таҳрирдаги Пленум қарорида ушбу масала ҳам назарда тутилганми?**

— Қарорнинг 19-28-бандларида айнан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги низони кўришда, судлар низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилиш-қилмаслигини аниқлашлари лозимлиги, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фонди омонатларига, шунингдек, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари пайларига нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этишда ширкатлар ва жамиятлар мулкини бўлиш масалалари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солиниши баён этилган. Шунингдек, никоҳни ФҲДЁ идораларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилиши, эр-хотиннинг умумий ва шахсий мулкларига нималар кириши, уларни бўлиш тартиби, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳиссалари тенглиги, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги қоидасидан чекиниш асослари, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатини ҳисоблаш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилган.

Юқорида ҳам айтилганидек, оиланинг жамиятда тутган ўрни, аҳамияти беқиёсдир. Зотан, оилада келажак эгалари — ёшлар вояга етади, ҳар бир кишининг ҳаёти оила билан узвий боғлангандир. Шу маънода давлатимиз томонидан оила манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар айни пайтда жамиятни демократлаштиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасида ҳам жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдай муҳим вазифа борлигини кўрсатади. Шундай экан, юқорида қайд этилган Пленум қарори амалиётда судларимиз учун муҳим раҳбарий қўлланма бўлиши шубҳасиз.

**Суҳбатдош: Бобомурод РАЙИМОВ**

*Iftixor*

# Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Холмурод буванинг ниятлари пок, фарзандларига берган нони ҳалол экан, мана энди, орадан ўн етти йил ўтиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 июль куни қабул қилинган фармойишига кўра, футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиқлол даврида вояга етган баркамол фарзандларимизнинг энг ёрқин фазилатларини яққол намоён этгани учун Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари **"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил"** эсдалик нишонлари билан тақдирланиб, давлатимиз раҳбарининг юксак рағбат ва эътиборига сазовор бўлганлиги мамлакат ва халқимиз ҳаётида қувончли воқеа бўлди.

Истиқлолнинг 20 йиллик тўйига чиройли тўёна билан келган ўн етти ёшли шу бургутчалар сафида терма жамоанинг ярим ҳимоячиси, Ҳурватандан чиққан футболчи Холмурод Холмуродовнинг ҳам борлиги сариосиёликлар учун катта байрамга айланди. Энди Ҳурватанда тўп тепаётган болакайларга қаттиқ гапириб ёки ҳазиллашиб бўлмайди. Энди улар: "Нима деяпсиз, бизнинг акамиз Американи, Чехия, Австралияни ютиб келган!" дея ҳар қанча мақтанса арзийди, ярашади. Сариосиёдан Торреонга, Тошкентдан Мехикога қадар кенгайган, қанот ёйган имкониятларимизнинг, истиқлол авлодининг бир ўсмир йигитча тимсолидаги ёрқин ифодасидир бу!

Об-ҳаво қурғоқчил келгани, сув танқислигига қарамай сариосиёликлар бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга буғдой топшириш бўйича шартнома режаси мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарилди. Ҳар гектар ердан ўртача 70 центнердан кўпроқ ҳосил олиниб, 25 минг тоннага яқин ғалла тайёрланди. Айни пайтда туманда янги боғ-роғлар барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 110 минг тупдан ортиқ олма ниҳоллари доимий парваришда. Қисқа вақт ичида сатҳи олти гектарлик майдонга турли-туман манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилиб, серфайз, хушҳаво "Ёшлар боғи" бунёд этилди. Яқин келажакда бу масканда замонавий амфитеатр қурилиши ҳам мўлжалланган. Ҳозир шу иншоотнинг лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

"Ўзбекистон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Пахтакор маҳалласида янги болалар мусиқа мактабининг биноси қад ростлаётган бўлса, Ҳурватан қишлоғида замонавий лойиҳа асосида якка тартибдаги элликдан ортиқ уй-жой қурилиши жадал давом эттирилаётир. Одамларнинг рўзғор, турмуш кўринишлари, деворлару эшиклар, ромлардан тортиб томларгача, остоналару маҳалла гузарларининг янги қиёфа, замонавий манзаралар ила тобора уйғунлашиб бораётгани кишининг ҳавасини келтиради.

Биз Ватан тупроғининг ҳар қаричини, ҳамма гўшасини Ватан дедик. Фарзандларни дилбанд деб атадик. Шу аснода беихтиёр қорақалпоқ тупроғида ўтган йилнинг 5 октябрида ҳаммамиз гувоҳ бўлган ҳаяжонли лаҳзалар кўз олдимизда гавдаланади. Президентимизнинг қорақалпоғистонлик фермерлар ва ёшлар билан мулоқоти чоғида, давлатимиз раҳбари бир хушқомат ўсмир йигитча билан ҳам суҳбатлашган эди. Нукус олимпия захиралари коллежининг талабаси бўлмиш бу йигитча 2010 йилда Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида академик эшкак эшиш бўйича кумуш медални қўлга киритган Абубакир Узақбаев эди. Ўшанда Юртбошимиз Абубакирни катта ғалабаси билан табриклаб, унга қайиқ совға қилди. Абубакир ҳам ўзгача қатъият ва ишонч билан чет элларга мусобақаларга борсам, Ватанимиз номини оқлаб, албатта, ютиб келаман, деб сўз берган ва оқ фотиҳани Президентимиздан олган эди.

Азим дарё, қадим дарё Жайҳуннинг азамат фарзанди-да, сўзининг устидан чиқди. Орадан кўп ўтмай, қотмадан келган ўша хушбичим йигитча шу йилнинг 2-5 июнь кунлари Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида Президентимизга берган ваъдасининг устидан чиқди. Кўплаб мамлакатларнинг спортчиларини ортда қолдириб, академик эшкак эшиш бўйича олтин медални қўлга киритиб, ўз юртига ёруғ юз билан қайтди. Бир замонлар фарзандига яхши ниятлар билан Абубакир деб исм қўйган отаси Ниятбой оға ҳам ниятига етди. Бундай ўспиринлар, соғлом ўғил-қизларимиз бугун Сарибийда, Сариосиёда, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида униб-ўсиб, вояга етмоқдалар. Эртага улар камол топиб, келажагимизнинг ҳал қилувчи кучига айланади.

Истиқлол тенги, истиқлолдан ҳам ёш авлодки, жаҳон майдонларида ўзлигини, ўзлигимизни кўрсата олаётган экан, демак, чеккан заҳматларимиз зое кетмаётир. Демакки, келажак қўрғонларимиз, Ватанимизнинг асл устунлари-ю асослари ҳамиша мустаҳкам ва устувор бўлажак!

Сарибий. Сарибий. Бу номда кенглик ва чексизлик бор. Сарибий-Сахтиён эл-элатлари тарихи, ҳақиқатан ҳам, қадим даврларга бориб тақалади. Сарибийнинг қоқ ўртасидан ўтган қадимий Буюк ипак йўли орқали шимолий мамлакатлар — Қозоғистон, Россия ва Украинага чиқиш мумкин. Амударёнинг ўнг қирғоқ соҳилида жойлашган Думан қалъа, Қошкўра, Ўйсаланг, Поп ва Сахтиёнлар Сарибий ҳудудини ташкил этади. Жайҳун шамоллари бу манзилни доимо эркалаб эсгани эсган. Обод ва озода бир макон.

Бутун Қорақалпоғистонда, хусусан, Элликқалъа тумани миқёсида амалга оширилаётган янгиланишлар, маънавият ва маърифатга, ёш авлоднинг маънавий тарбиясига эътибор Сарибийда ҳам яққол кўзга ташланади. Бугун Сарибийдаги саккиз мактаб, ўн икки кутубхона, икки касб-ҳунар коллежида янги авлод билим олмоқда. Ёшлар вакиллари, сарибийликлар билан Агросаноат коллежида бўлган учрашувда, интилувчан, истеъдодли ўғил-қизларнинг кўплигидан қувондик. Коллеж боғчасида ижодкорларимиз уч йил олдин Наврўз арафасида ўтқазган ниҳолларнинг гуриллаб ўсаётганини кўрдик.

Ватанимизнинг олис-яқин манзиллари бўйлаб сафарларимиз давом этаётган пайтда аллома боболаримиз айтиб кетган "Ватанда туриб сафар айланг" ҳикмати кўп бор ёдимизга келди. Ва бу улуғ ҳикматнинг замирида қат-қат маъно яширинганини кўп ҳолатларда — она юртимизда кечаётган ободликларни кўриб, ватандошларимизнинг онгу тафаккури ва кайфиятидаги янгиланишларга гувоҳ бўлиб, дилдилдан қувондик. Шундай дориламон кунларга етказганига шукроналар айтдик. Яна ўйладикки, шу дориламон кунларнинг, Истиқлолнинг, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етайлик:

***Ниҳол эк эзгулик***
***боғига, инсон —***
***Юрибсан то кафандан***
***ташқарида.***
***Ватан ичра сафарлар***
***айла, эй дил,***
***Ватан бўлмас***
***Ватандан ташқарида.***

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»*

# Иқтисодий тараққиёт ва фаровон ҳаёт манбаи

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Вилоят адлия бошқармасига 2011 йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъектларидан 122 та мурожаат келиб тушган. Жумладан, Деҳқонобод туманидаги «Жумақул қизи Ҳайитгул» хусусий фирмаси раҳбари Л.Хидированинг «Агробанк» ОАТБ Деҳқонобод филиали томонидан кредит маблағи ажратилмаётганлиги юзасидан ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Шу муносабат билан Республика «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти Марказий банки бошқармаси бошлиғи ва Қашқадарё вилояти «Агробанк» ОАТБ бошқармаси бошлиғи номига айбдор масъул шахсларга нисбатан чора кўриш ва «Жумақул қизи Ҳайитгул» хусусий фирмасига кредит маблағи ажратиш юзасидан тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома натижаларига кўра, «Жумақул қизи Ҳайитгул» хусусий фирмасига кредит маблағи ажратилди ва қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйгани учун «Агробанк»нинг Деҳқонобод тумани филиали бошқарувчиси И.Нормуродовга жарима ва филиал ходими У.Ашуровга «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га келиб тушган мурожаатлар сони 48 тани ташкил этди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Китоб туманидаги Қушбоши қишлоғида яшайдиган якка тартибдаги тадбиркор М.Тошмирзаев «Китоб деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудидаги савдо дўконида 2011 йил 18 январда Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қашқадарё вилояти бўлими томонидан қисқа муддатли текшириш ноқонуний тарзда ўтказилганини билдирган.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу текшириш материаллари ўрганиб чиқилганда, тадбиркорга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатларда бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу боис жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судининг қарорига асосан Д.Тошмирзаев ва М.Тошмирзаевга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бекор қилиниб, 20 хил турдаги товар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тадбиркорлик субъектига қайтарилди.



Бундан ташқари Нишон тумани «Гулистон» қўрғонидаги «Чўл қўйнида жаннат» хусусий корхонаси раҳбари Р.Сафаровнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, тўйхона, болалар спорт майдони қуриш учун туман ҳокимлиги томонидан ер майдони ажратилмаганлиги юзасидан ёзган мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, туман ҳокими номига тақдимнома киритилди ва тақдимнома ижросига асосан тадбиркор Р.Сафаровага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ер майдони ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, адлия бошқармаси томонидан 2011 йилнинг 6 ойида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 123 та тақдимнома ва 136 та огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чораларининг ижроси натижасида 95 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 31 та ҳужжат бекор қилинди ва 260 948 000 сўм маблағ тадбиркорлик субъектларига қайтарилди.

Ҳа, мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратилди. Бунда айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг эркин фаолият юритишини кафолатловчи ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилгани ва доимий равишда такомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шу маънода тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, адлия идораларининг энг муҳим вазифалари сирасига киради.

**А.ДАДАЖОНОВ,**
*Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари*

*Burch va majburiyat*

# Олмоқнинг

**Фуқаролик қонунчилигига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий аҳамиятга эга ҳисобланади.**

Жумладан, қарз шартномаси бўйича қарз берувчи қарз олувчига пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Албатта, қарз муносабатлари ҳаммага таниш. Зеро, бирор сарф-харажат талаб этадиган юмуш туфайли моддий кўмакка муҳтож бўлган кишига қарз бериш савоб ҳисобланади. Шу маънода инсофли, виждонли одам олган қарзини ваъдага мувофиқ ўз вақтида қайтаради, қарз берган кишига миннатдорчилигини ҳам изҳор этади.

Аммо ҳаётда қарз олаётганда ваъдани қуюқ қилиб, сўнг тутқич бермай юрадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Юқорида айтилганидек, фуқаролик қонунчилигида турмушимиздаги кўп учрайдиган қарз муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Чунончи, турли низолар, келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шартлиги қонунда белгиланган.

Шу ўринда суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, битимлар билан боғлиқ низолар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судларида 2010 йилда 165 та иш кўриб чиқилган. Шунинг 121 таси қаноатлантирилган, 13 таси рад этилган, 17 та иш ҳаракатдан тугатилган, бунга тарафларнинг келишув битими тузганликлари ҳамда низо судгача барҳам топганлиги сабаб бўлган, 14 та даъво аризаси тарафлар суд мажлисига узрли сабабларсиз такроран келмаганликлари боис амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 4-бандига мувофиқ кўрмасдан қолдирилган.

Масалан, даъвогар Зоҳиджон Холиёров жавобгар Алишер Турсуновга нисбатан судга мурожаат қилиб, 2007 йил ноябрида жавобгар бир йил ичида 13.420 килограмм қилиб қайтариш шарти билан 6760 килограмм шолини қарзга олганлигини, аммо мажбуриятини бажармаганлиги баён қилган ва жавобгардан 13.420 килограмм шоли ёки унинг қийматини ундириб беришни сўраган.

